*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 197 (9693). • 1989 йил 18 октябрь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

*• Мажбурият ҳисобига •*

## ЯНА БИР САБОҚ

ҲАВОНИНГ очиқ келиши, кунларнинг илиқ-иссиқ бўлиши — йиғим-теримни ташкил этишда ғоятда катта имкониятдир. Айтиш керакки, бу имкониятдан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдалана билганлар маррага барвақт етиб келишди. Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози ҳам ана шулар қаторидан ўрин олди.

— Тағин ҳам биз бироз хатоликка йўл қўйдик, — деди колхоз раиси Абдували Холжонбоев. — Тарки одат амри маҳол-да, биз кўп йиллар давомида кўсакларнинг 65—70 проценти очилганда терим машиналарини далага олиб чиқишга ўрганиб қолган эканмиз. Бригадирларимиз бироз шошқалоқлик қилишди. Аслини олганда уларни айблаш ҳам қийин. Негаки, ҳеч ким айтиб бера олмасди, ҳавонинг бундай қулай келишини. Бунинг устига об-ҳавочилар ҳар хил «ҳунук» таҳминларни айтишганлари ҳам сир эмас.

Энг мақбули кўсакларнинг 80 проценти очилганда машинани ишга тушириш керак экан. Ана шунда бу йилдагидек биринчи теримдаёқ 70 процент ҳосилни эмас, 80 процентни териб олиш мумкин бўларди. Биз пахтанинг С 65—24 навини экқан эдик. Бу навнинг тола чиқими яхши, бақувват харид нархи ҳам анча юқори. Агарда айримларга ўхшаб «Ан-Боёвут» экканимизда борми, аллақачон планни бажарган бўлардик. Бу йил ҳам биринчиликни олардик. Лекин шунисига ҳам шукур....

Колхознинг Аҳмад Душабоев бошлиқ бригадаси бу йил ҳам улоқни олиб кетди. Ҳозир бу бригада процентини 112 дан ошириб юборди. Ҳосилдорлиги 31 центнерга етди. Нормамат Бекмуродов, Исмоил Анорбоев бошлиқ бригадаларнинг деҳқонлари ҳам Аҳмад ака коллективи билан изма из бораяптилар.

Хўжаликда бу йил четдан ёрдамчи олинмади. Етиштирилган ҳосилнинг 2845 тоннаси машиналарда терилди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янгича тартиби жорий этилиши туфайли қишлоқдаги ишга яроқли барча аҳоли теримда қатнашмоқда. Уларнинг кучи билан йиллик планнинг 20 процентга яқин миқдорда пахта терилди.

Колхоз деҳқонлари даладаги бор ҳосилни тезроқ териб-йиғиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Мажбурият ҳисобига уюлаётган хирмон ҳам салмоқли бўлишига ҳамманинг ишончи комил.

**Н. РИХСИЕВ.**

## СССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ ВА СССР ДАВЛАТ БАНКИДАН

### ЎЗБЕК ШОИРИ, КОМПОЗИТОРИ ВА ДРАМАТУРГИ ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЭСДАЛИК ТАНГАСИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек шоири, композитори ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан 1989 йилнинг 17 октябрида қиймати 1 сўм бўлган эсдалик тангаси муомалага чиқарилади.

Қиймати 1 сўмлик эсдалик танга оқ рангли мис-никель қотишмасидан тайёрланади ва у диаметри 31 миллиметрли доира шаклидадир.

Танганинг олд ва орқа томонида айланасига бўртиқ ҳошия бор.

Танганинг олд томонида СССР Давлат герби тасвирланган бўлиб, **«СССР»**, **«1 рубль»** ва **«1989»** ёзувлари бор.






Танганинг орқа томонида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг бўртиқ тасвири жойлашган бўлиб, унинг ўнг томонида икки сатрга **«1889»**, **«1929»** саналари, уларнинг остида очилган китоб ва гул тасвири, юқори қисмида эса доира бўйлаб **«Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий»** ёзуви бор.

Танганинг қиррасида **«Один рубль»** сўзлари икки марта ўйиб ёзилган бўлиб, бир-биридан иккита нуқта билан ажратилган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан эсдалик танга 2 миллион нусхада, шу жумладан 0,2 миллион донаси сифати яхшиланган ҳолда муомалага чиқарилади.

Мазкур танга давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, колхозлар ва айрим кишилар томонидан ҳозир муомаладаги бошқа тангалар қатори тўловнинг ҳамма турлари юзасидан, шунингдек СССР банк муассасалари ҳамда алоқа министрлиги корхоналари томонидан жорий ва ҳисоб-китоб счетларига ўтказиш учун, омонат қўйиш, аккредитивлар ва жўнатиш учун ўз нархида ҳеч қандай чеклашсиз қабул қилиниши шарт.

*«ҲОСИЛ-89»* *«ҲОСИЛ-89»*

# МАРРА ЯҚИН, СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК!

## ОБЛАСТИМИЗДА МАШИНА ТЕРИМИ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

**ДАЛАЛАРНИ машина теримига тайёрлаш, агрегатларни созлаш, механик-ҳайдовчиларнинг касб маҳоратини ошириш, ниҳоят ишни ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлашдаги янгиликларни амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларнинг бекаму-кўст бажарилиши бугунги кунда ўзининг ажойиб самарасини берди. Механик-ҳайдовчиларимиз машинада пахта териш бўйича белгилаган режани зиёдаси билан адо этдилар. Ҳозирги кунга қадар терим агрегатлари ёрдамида 275 минг тоннадан ортиқ хирмон уйилди.**

**Айниқса, ўртачирчиқлик дала гвардиячилари ҳаммани қойил қолдирдилар. Улар дастлабки кунларданоқ уюшқоқлик ва меҳнатда юксак интизом намуналарини намойиш этдилар. Далаларда ишлаган ҳар бир машина билан ҳозиргача ўртача 105 тоннадан ортиқ пахта териб олинди. Район механик-ҳайдовчилари айрим кунларда машина терими планига нисбатан 8—9 ва ундан ошириб пахта тайёрлашга эришдилар. Ҳозиргача бу районда машина терими плани 118 процентдан ошиб кетди.**

**Машиналардан ғоятда самарали фойдаланган бўкалик механик-ҳайдовчилар ҳозиргача 46 минг тоннадан ортиқ, оққўрғонликлар 41 минг тоннадан зиёд пахта териб топширдилар. Коммунистик районида терим суръатининг кундан-кун жадаллашишида механик-ҳайдовчилар қўшган ҳисса салмоқли бўлди.**

**Бу йил вилоятимиз дала шунқорлари чинакам жасорат кўрсатдилар. Айни йиғим-терим қизғин кунларда пахтазорларда 2800—2900 га яқин машина ишлаб турди. Ҳар бир машина билан ўртача 7—8 тоннадан пахта терилди. Кунига 15—20 тонна пахта терган механик-ҳайдовчилар сафи анча кенгайди.**

**Бўка районидан Душан Пардаев, Омон Ҳамроев, Оққўрғон районидан Бозор Бойжигитов, Бекобод районидан Эргаш Ғойибназаров, Турсунали Тўхтаматов, Мамажон Ғофуров сингари жуда кўп механик-ҳайдовчилар мусобақада пешқадамлик қилиб келмоқдалар. Улкан хирмоннинг юксалишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Бундай механизаторлар ҳар бир районда фидойилик кўрсатмоқдалар.**

**Далаларда терим давом этмоқда. Механик-ҳайдовчилар қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиб-териб олиб, келгуси йилга тайёргарликни бошлаб юбориш тараддудида қизғин меҳнат қилмоқдалар.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**ПАХТА ШТАБИ**

*«ҲОСИЛ-89»*

ТЕЛЕФОНЛАР: 325647, 334048
334808, 325353

## ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

**ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА**

**17 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН**

### МАЪЛУМОТ

**(планга нисбатан процент ҳисобида).**

**Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрлангани; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машина терими — бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ўрта Чирчиқ | 2,08 | 97,68 | 2,20 | 118,14 |
| Оққўрғон | 1,98 | 95,27 | 2,18 | 110,23 |
| Пискент | 1,55 | 94,74 | 1,60 | 99,40 |
| Бўка | 2,03 | 94,22 | 2,32 | 110,71 |
| Чиноз | 3,22 | 88,67 | 3,61 | 80,94 |
| Бекобод | 2,20 | 87,76 | 2,30 | 89,16 |
| Коммунистик | 2,67 | 86,85 | 2,98 | 105,77 |
| Ғалаба | 4,15 | 86,80 | 4,94 | 104,65 |
| Янгийўл | 3,49 | 77,50 | 3,61 | 71,95 |
| Область бўйича: | 2,51 | 90,69 | 2,80 | 101,26 |



✦ ОҚҚЎРҒОН районидаги пахта тозалаш заводи кунига хўжаликлардан 100 тоннадан ортиқ хом ашё қабул қилиб олмоқда. Суратларда: (чапдан) завод товаршуноси А. Аҳмедов, қабул қилувчи А. Мамутов ва «Оққўрғон» совхози механизатори А. Мирзавалиев; район далаларида машина терими пайти.

М. НАЗАРОВ ва А. ЗУФАРОВ суратлари.



*

## 35 ЦЕНТНЕРГА ЕТКАЗАМИЗ

**● Бу йил 100 гектар ерда пахта етиштирдик. Тўғри, шароит анча оғир бўлди. Бироқ, бригадамизнинг миришкорлари қийинчиликларни енгиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Энг биринчи навбатда гектарларда мўлжалдаги кўчатларни токи ҳосил пишиб етилгунча сақлаб қолиш учун курашдик. Ҳар туп ғўзани фарзандимиздек асраб-авайладик. Суғориш, қатор ораларини юмшатишда экиннинг ҳолатини ҳисобга олдик, айниқса, ғўзани саратон сувига қондиришга катта эътибор бердик. Меҳнатларимиз самараси қувонтирди. Далаларимизда бошқа коллективларга қараганда ҳосил барвақт етилди. Теримни ҳам уюшқоқлик билан бошладик. Ҳар ким ўз зиммасига мажбурият олди. Ҳосилнинг сифати эътиборимизда бўлди. Бугун шуни мамнуният билан айтиш керакки, маррага мўлжалдагидан анча барвақт келдик. Ҳар гектаридан олган ҳосилимиз 32 центнерга етди. Бунда механизаторларимиз Каримали Дўсаев, Ғайрат Эсеркеповларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар 70—80 тоннадан пахта териб беришди.**

**Қолган ҳосилимизни чамаласак, гектаридан яна бемалол 3 центнердан йиғиб олиш мумкинлиги аниқланди. Ана шунда 35 центнерга етади. Биз бу маррани ҳам қийналмасдан эгаллаймиз.**

**С. ЭСЕРКЕПОВ,**
**Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг бригада бошлиғи.**

## СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

СССР Олий Советининг сессияси 16 октябрь куни СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов раислигида ўз ишини давом эттирди.

Кооперативларнинг савдо-харид фаолиятини ҳамда кооперативлар аҳолига, ташкилотларга сотаётган товарлар ва кўрсатаётган хизматларнинг нархларини тартибга солиш ҳамда «СССРда кооперация тўғрисидаги» қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорнинг лойиҳаси тўғрисида депутат А. А. Собчак ахборот берди.

Ўтган ҳафта депутатлар иттифоқдош республикаларда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага раҳбарликнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришган эдилар. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. И. Абалкиннинг докладн тингланди.

Кечки мажлис М. С. Горбачев раислигида ўтди. Депутатлар СССРда мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар.

Сўнгра тақдим қилинган қонун лойиҳаси юзасидан мунозаре бошланди.

Иш куни охирида депутатлар СССР Ички ишлар министри В. В. Бакатиннинг ахборотини тингладилар. У гўё депутат Б. Н. Ельцинга суиқасд қилинди, деган миш-мишларнинг сабабини ойдинлаштириб, ички ишлар министрлиги ўтказган текшириш маълумотларига кўра, суиқасд қилинганлиги тасдиқланмаганлигини айтди. Б. Н. Ельцин ҳам ўз нутқида бу фактни инкор этди.

(ТАСС).

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область партия комитети бюросининг навбатдаги мажлисида халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, область банк ва молия органларининг кооперативлар ва аҳолига кредит хизмати кўрсатиш фаолиятини тартибга солиш борасидаги иши кўриб чиқилди.

Область партия комитетининг бюроси шуни таъкидлайдики, область халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари 1989 йил 1 октябрда 5230 та кооперативни қайд этганлар, улардан 3592 таси ишлаб турибди. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида кооперативлар 606 миллион сўмликдан ортиқроқ моллар ишлаб чиқариб, аҳолига тарқатганлар ва хизмат қилганлар.

Айни чоғда шаҳар, район ижроия комитетлари уставларни рўйхатдан ўтказиш билан бирга уларни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида мутлақо ўйламаяптилар. Аҳолига жуда зарур бўлган уй-жойларни, чорбоғ уйчалари, гаражларни ремонт қилиш ва қуриш, мебель ва автомобилларни ремонт қилиш, спорт-соғломлаштириш тусидаги хизматлар кўрсатиб аҳоли эҳтиёжларини қондирувчи кооперативлар етарли даражада ривожлантирилмаяпти. Умумий овқатланиш, савдо-харид қилиш ва бошқа айрим кооперативлар фаолиятида салбий ҳолатлар мавжуд: сотилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг нархи баланд, чайқовчилик, меҳнатсиз даромадлар олишга ружу қилиш ва ҳоказолар бор.

Жойлардаги банк органлари кооперативлар ва аҳолига кредит-ҳисоб-китоб хизматида жиддий камчиликлар ва қўпол хатоларга йўл қўйдилар. Жамғарма банкнинг шаҳар ва район бўлимлари кооператорлар ишини таҳлил қилиш билан шуғулланмаяптилар, уларга берилган кредитлардан қандай мақсадларда фойдаланилаётганлигини назорат қилмаяптилар, қарзларни ўз вақтида қайтариб беришнинг қатъий чораларини кўрмаяптилар. Назоратсизлик оқибатида кооперативлар ижтимоий суғурта тўловларига, фондлар ҳосил қилишга пул ўтказмаяптилар, амортизация пулларини, бюджет тўловларини тўламаяптилар, даромадлар ва чиқимлар тўғрисида декларация қоғози тақдим этмаяптилар, бу ҳол кооператорларнинг иш ҳақи асоссиз равишда ортиб кетишига олиб келмоқда. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, иш юритиш, бухгалтерия ҳисоб-китоби талабларини бузилишининг кўп фактлари кооператорларнинг ўз ишидан бехабарлиги оқибати ҳисобланиб, бу кўпдан-кўп жиноий жазоланадиган ҳолатларга олиб келмоқда.

Область жамғарма банки бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ишида аҳолига якка тартибдаги уй-жой қуриш учун қарзлар бериш бобида жиддий камчиликлар бор. Етарлича ошкораликнинг йўқлиги, жамғарма банкларининг қоғозбозлик қилаётганлиги қарзлар кўпинча кечикиб, навбатдан ташқари ва ошна-оғайнигарчилик билан берилишига олиб келмоқда.

Область партия комитетининг бюроси область ижроия комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитети, шаҳар, район ижроия комитетларининг коммунист раҳбарларига мавжуд ҳамма кооперативларни икки ойлик муддат ичида тўла инвентаризациядан ўтказиш вазифасини юклади. Бунда уларнинг уставларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон ССР территориясида кооперативлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг баъзи турларини тақиқлаш тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида тегишлича қайта рўйхатдан ўтказиш лозим.

Кооперативлар ва аҳолига кредит хизматини ташкил этишдаги камчиликларни йўқотиш юзасидан ҳамма чораларни кўрмаганлиги, шаҳар, район банклари ва молия бўлимлари фаолияти устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун область молия ва банк бошқармалари бошланғич партия ташкилотларига коммунист раҳбарларнинг партиявий масъулиятини кўриб чиқиш топширилди.

Бюро мажлисида область партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг «Область партия ташкилотида ҳисоботлар ва сайловларнинг бориши тўғрисида»ги хати муҳокама қилинди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари партия группалари ва цех ташкилотларида амалда тугалланганлиги уқтириб ўтилди. Йиғилишлар шунингдек, партия аъзолари сони 15 кишидан кам бўлган бошланғич партия ташкилотларининг ярмидан кўпроғида ҳам ўтказиб бўлинди. Партия группалари ва цех партия ташкилотларининг ҳисобот докладларини муҳокама қилишда 30 мингга яқин коммунист қатнашди, 8200 дан ортиқ партиясизлар сўзга чиқиб, ўз таклифларини айтдилар. 47 мингдан ортиқ танқидий мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. 127 та партия группа ташкилотчилари ва 103 цех партия ташкилотлари секретарларининг иши қониқарсиз деб топилди. Деярли ҳар икки партия етакчисидан бири танлаб олиш асосида сайланди.

Шу билан бирга кўпгина ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари эскича ўтмоқда, жамиятда юз бераётган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар муҳокама қилинмаяпти, таркиб топган тайёр қолиплардан халос бўлинмаяпти, сусткашлик, коммунистларнинг ҳаётдан ажралиб қолганлиги бартараф этилмаяпти. Ҳисобот докладларида янгилик руҳининг йўқлиги, ўтган давр ишига талабчанлик билан баҳо берилмаганлиги йиғилишларда пассивлик ва лоқайдлик муҳитини вужудга келтирди. Коммунистларнинг нутқлари кўпинча кундалик, хўжалик ишлари билан чегараланиб қолиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан самарали таклифлар, танқидий мулоҳазалар билдирилмади, одамларни ҳаяжонлантираётган ўткир масалалар четлаб ўтилди. Партия ишини қайта қуриш муаммолари, уни жонли иш билан тўлдириш масаласи суст муҳокама қилинди. Бир қатор партия ташкилотларида айрим коммунистларнинг пассив, ғоясиз позицияси пухта таҳлил қилинмади, партия обрўсини тўкаётган кишиларга принципиал баҳо берилмади. Кўпгина ҳисобот-сайлов йиғилишларида қарорлар ишлаб чиқишга янгича ёндашилмаганлиги, қарорларнинг қуруқ сўздан иборат бўлиб қолганлиги, конкрет меҳнат коллективларининг ўзига хос хусусияти талабига жавоб бермаслиги ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг катта камчилиги бўлди. Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич ташкилотлар партия комитетлари, сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг ташкилотчилик ва тарбия ишидаги камчиликлари ана шундай авҳолга жиддий сабаб бўлди. Ҳисобот-сайлов кампаниясини ташкил этишда шаҳар ва район газеталари, кўп нусхали матбуотнинг роли ҳамон етарли эмас. Бу мавзудаги мақолалар кўпинча онда-сонда берилади, уларда партия ташкилотларида юз бераётган жараёнлар чуқур таҳлил қилинмайди ва умумлаштирилмайди.

Хат ҳисобот-сайлов кампаниясида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш ва бу кампанияни уюшқоқлик билан тугаллаш юзасидан тадбирлар қабул қилиш учун шаҳар, район партия комитетларига юборилди.

Бюро мажлисида «Бўстонлиқ районининг «Новгород» совхози территориясида бўлган безориликлар тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Область партия комитетининг бюроси Бўстонлиқ районининг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ичкиликбозлик, безорилик, социалистик мулкни ўғирлаш, истеъмолчилик ва мешчанлик психологиясига қарши курашни кескин кучайтиришни таъминламаётганликларини уқтириб ўтди. Районда меҳнат коллективлари ва аҳоли истиқомат жойларида тарбиявий, профилактика ишларига эътибор бўшаштириб юборилган, жамоат тартибини сақлашда меҳнаткашлар фаоллиги кучайтирилмаяпти. Бу масалада қишлоқ, посёлка Советлари, маҳалла комитетларининг роли пасайтириб юборилган, кўнгилли халқ дружиналари кейинги пайтда ишламаяпти.

Кўрсатилган нуқсонлар шу йил 7 сентябрда «Новгород» совхозида вужудга келган низоли вазиятни келтириб чиқарди. Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент медицина билим юрти талабалари учун дискотека ўтказилаётган вақтда жанжал чиқиб, у билим юрти ўқитувчилари билан районнинг айрим аҳолиси ўртасида муштлашишга айланиб кетди. Худди шундай аҳвол Калинин районида юз берди. Бу ерда ўқув юртларида тарбиявий-профилактика ишлари сусайтириб юборилганлиги шу йил 4 октябрь куни қишлоқ хўжалик техникумининг уч нафар ўқувчисининг муштлашишига сабаб бўлди.

Қишлоқ хўжалиги ишларига жўнаб кетган ўқувчилар ва талабаларнинг турмуши ва дам олишини ташкил этишдаги камчиликлар, ёшлар ўртасида мафкуравий ва тарбиявий ишларнинг бўшаштириб юборилганлиги юз берган воқеаларнинг асосий сабаби ҳисобланади.

Область партия комитетининг бюроси коммунистлар — Бўстонлиқ район партия комитетининг биринчи секретари А. Йўлчиев, Бўстонлиқ район Совети ижроия комитети раиси А. И. Кашченкога жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва социалистик қонунчиликка риоя этиш ишидаги жиддий камчиликларини қатъий кўрсатиб ўтди. Бўстонлиқ район партия комитети бу факт юзасидан район ички ишлар бўлими бошлиғи Н. М. Стукановскийга, район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари С. А. Красновга, «Новгород» совхозининг директори ва партия бюросининг секретари Ш. Норпўлатов, Н. Қаюмовларга партиявий жазо берганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Область партия комитетининг бюроси шаҳар, район партия комитетларига, шаҳар, район ижроия комитетларининг коммунист раҳбарларига жиноятчиликка қарши курашувчи муваққат комитетларнинг куч-ғайратларини сафарбар этиш, партия комитетларининг бюро мажлислари ва шаҳар, район Советларининг ижроия комитетлари мажлисларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишни топширди.

Қишлоқ хўжалик техникуми ўқувчилари ўртасида юз берган воқеани шу йил октябрь ойида райком бюроси мажлисида кўриб чиқиш Калинин район партия комитетига топширилди.

Область партия комитети бюросининг мажлисида бошқа айрим масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси шу йил 20 октябрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўн биринчи сессияда қатнашиш учун келган Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми биносида 19 октябрь куни соат 10 дан 19 га қадар рўйхатга олинадилар.

